

8-1-2018

OBJECTIVE IMPORTANCE OF ACTIVE ENTREPRENEURSHIP FOR INCREASING THE COMPETITIVENESS OF NATIONAL ECONOMY

U. Zaynutdinov
Tashkent Financial institute

M. Hamidov
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Zaynutdinov, U. and Hamidov, M. (2018) "OBJECTIVE IMPORTANCE OF ACTIVE ENTREPRENEURSHIP FOR INCREASING THE COMPETITIVENESS OF NATIONAL ECONOMY," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 47.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/47>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**Зайнутдинова У.Д. – ТМИ, доцент, и.ф.н.
Ҳамидов М.Э. – ТМИ, магистрант**

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ

Мақолада миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш омиллари ҳақида сўз юритилган ва атрофлича таҳлил қилинган. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда фаол тадбиркорликнинг объектив зарурлиги кўрсатилган. Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва фаол тадбиркорликнинг ўрни ёритилган.

Таянч сўзлар: миллий иқтисодиёт, рақобат, рақобатбардошлик, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги, инновация, кичик бизнес, фаол тадбиркорлик.

В статье рассматриваются факторы, способствующие конкурентоспособности национальной экономики, а также факторы, которые способствуют повышению конкурентоспособности национальной экономики. Целью активного предпринимательство является повышение конкурентоспособности национальной экономики. Роль и значение малого бизнеса и предпринимательство в национальной экономике Узбекистана и её конкурентоспособности отражены.

Ключевые слова: национальная экономика, конкуренция, конкурентоспособность, конкурентоспособность национальной экономики, инновация, малый бизнес, активное предпринимательство.

In the article the factors contributing to the competitiveness and competitiveness of the national economy, as well as factors that contribute to the competitiveness of the national economy is discussed. The purpose of active entrepreneurship is to increase the competitiveness of the national economy. The role and importance of small business and entrepreneurship in the national economy of Uzbekistan and its competitiveness are reflected.

Key words. National economy, competition, competitiveness, competitiveness of the national economy, innovation, small business, active entrepreneurship.

Кириш

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичи жаҳон хўжалиги алоқаларининг глобаллашуви ҳамда интеграциялашиб бориши билан характерланади. Жаҳон бозорларидаги беқарорлик шароитида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда ҳам миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021-йилларда

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам рақобатбардош иқтисодий ёнликни барпо этиш иқтисодий фаолиятдаги энг муҳим вазифа этиб белгиланган. Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган йўналишининг “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” деб номланган иккинчи бандида қуйидаги вазифалар белгиланган:

- Миллий иқтисодийнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

- Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш[1] ва бошқалар.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Илмий адабиётларда миллий иқтисодий рақобатбардошлигини оширишнинг замонавий усулларини аниқлаш асосий вазифага айланиб қолганлиги баён этилган. Амалиётда миллий иқтисодий рақобатбардошлигини аниқлашнинг кўп усуллари ҳамда кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Ўзбекистонлик иқтисодчилар Йўлдошев З., Халилова Х. “Миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурслар салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси) ишлаб чиқаришнинг техник-технологик даражаси, иқтисодий таркибий тузилишининг такомиллашганлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ”[4] эканлигини қайд этишган.

Швейцариянинг Менежментни ривожлантириш халқаро институтининг услубияти бўйича мамлакат миллий иқтисодий рақобатбардошлиги 287 та мезон бўйича гуруҳланган 8 та омил бўйича амалга оширилади:

- ЯИМ ҳажми, инвестициялар ва жамғармалар ҳажми, аҳоли турмуш даражаси;

- иқтисодийнинг амал қилиш самарадорлиги;
- иқтисодийнинг байналмилаллашув даражаси;
- сиёсий тизимнинг барқарорлиги;
- молия тизими инфратузилмаси;
- бошқарувнинг самарадорлиги;
- меҳнат ресурсларининг тавсифи;
- фан ва технологияларнинг ривожланиш даражаси.

Буюк иқтисодчи олим М.Портер мамлакат иқтисодийнинг рақобатбардошлиги унинг ресурслар яхши таъминланганлигига боғлиқ

эмаслигини, рақобат устунлигини шакллантириш, таъминлаб туриш мумкинлигини кўрсатиб берди ва унга мамлакат корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш орқали эришилади, деган фикрни илгари сурди [3].

Таҳлил ва натижалар

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини шакллантириш ҳамда оширишнинг Портер концепциясига кўра, мамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунликлари “миллий ромб” ни ташкил этувчи тўрт элементдан иборат (1-расм).

1. Ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик: меҳнат, материал, интеллект, пул ресурслари билан таъминланиш мамлакатнинг рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки мамлакат миллий иқтисодиётининг таркибидаги корхоналарнинг ресурслар билан етарлича таъминланганлиги миллий иқтисодиётнинг ҳам рақобатбардош бўлишига хизмат қилади;



1-расм. Мамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунлигини ташкил этувчи элементлар (М.Портернинг рақобат устунликлари ромби) [3].

2. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар)га ички ва ташқи бозорлардаги талаб ҳажми, унинг таркиби ва ўзгариб бориши мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлик даражасига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Ушбу маҳсулот ёки хизматларга бўлган талаб ҳажмининг ортиб бориши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардош бўлишига ёрдам бериши мумкин;

3. Мамлакатдаги маълум бир тармоққа яқин ва бир-бирини тўлдириб борадиган ҳамкор тармоқларнинг мавжудлиги мураккаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, ишлаб чиқаришда замонавий илм-фан

ютуқларидан фойдаланишни мувофиқлаштиришда кўмаклашиш имкониятини яратиб беради. Шунинг учун ҳам бир-бирига яқин ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг мавжудлиги ижобий аҳамият касб этади;

4. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси бевосита рақобат муҳити, унинг хусусиятларига боғлиқдир. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш стратегиясининг ҳар томонлама мукамал ва замонавий бўлиши ҳам зарур. Ички бозорларда ҳам рақобатнинг мавжудлиги корхоналарни ўз фаолиятини такомиллаштириб, модернизация ва диверсификация қилишга ундайди ва бу орқали мамлакат миллий иқтисодиётининг ҳам рақобатбардош бўлиши кузатилади.

Замонавий миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини аниқлашда қуйидаги омиллар гуруҳи амал қилади:

1. Базавий талаблар;
2. Самарадорлик кўрсаткичлари;
3. Инновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари.

Демак, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлик даражасини унинг меҳнат ресурслари, табиий ресурслар билан таъминланганлик даражаси, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашганлиги, иқтисодиёт таркибий тузилмасининг диверсификациялашуви, тадбиркорлик ва бизнес юритиш учун яратилган шароитларнинг мавжудлиги, замонавий илм-фан ютуқлари(инновациялар)нинг жорий этилганлиги ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ деб хулоса қилиш мумкин.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда инновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари долзарблиги ҳамда замон билан уйғунлиги сабабли алоҳида аҳамиятга эга.



2-расм. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари туркумланиши.

Чунки, бугунги глобллашув шароитида тадбиркорлик ва бизнес фаолиятининг самарали ташкил этилиши, ушбу фаолиятда замонавий инновациялардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мамлакат миллий

иқтисодиётининг барқарор ўсиб бориши ҳамда рақобатбардошлигини оширадиган локомотив бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши фаол тадбиркорликни ташкил этиш, тадбиркорликда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан фаол тадбиркорлик ва фаол тадбиркор тушунчаларига қуйидагича таърифлар келтирилган: “Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз”[2].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурида фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш механизмларини янада такомиллаштириш масалалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида мамлакат иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, янги иш ўринлари яратаётган тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш биринчи навбатдаги вазифа эканлиги қайд этилган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик эркинлигини, унинг хусусий манфаатдорлигини ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш соҳасидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Натижада фаол тадбиркорликка ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга монелик қилувчи кучларни барҳам топтирадиган зарур шарт-шароитлар кенгаймоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес, фаол тадбиркорликнинг ривожланиб бориши миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили сифатида қаралади. Кичик бизнес ва тадбиркорлик мамлакатимизда ўрта синфни шакллантириш, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини ошириш каби масалаларда етакчи кучлардан бирига айланди.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2000-2017 йиллардаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари[5]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2000	2005	2010	2015	2016	2017
ЯИМ даги улуши	%	31	38.2	52.5	56.5	56.9	54.9
Кичик бизнесда банд бўлганлар сони	Млн киши	4.5	6.6	8.6	10.2	10.4	10.6
Банд бўлганларнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонидagi улуши	%	49.7	64.8	74.3	77.9	78.2	78.3

Жадвал маълумотларидан таҳлил этилаётган давр ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ЯИМдаги улуши йилдан-йилга ошиб борганлигини кўриш мумкин. Масалан, ушбу улуш 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 54.9 фоизга етган, деярли 25 фоизга ўсган.

2000 йилдан 2017 йилга қадар кичик бизнесда банд бўлганларнинг сони 6,1 млн кишига кўпайган. Шу билан биргаликда кичик бизнес хусусий тадбиркорликда банд бўлганларнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонидagi улуши ҳам ушбу давр ичида 28.6 фоизга ўсган.

Хулоса ва таклифлар

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарининг сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Ушбу корхоналарда истеъмолчилар хоҳиш-истакларини инобатга олиб маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Фаол тадбиркорликнинг ривожланиб бориши билан:

- бозор талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган рақобатбардош маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ҳажми ҳам тобора ортиб боради;
- рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши натижасида иқтисодиёт тармоқларининг ҳам рақобатбардош бўлиши таъминланади;
- мамлакатда фаол тадбиркорликни бугунги кун талаблари асосида ривожлантириш, илғор фан-техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардош бўлиши таъминланиб, халқаро рақобат бозорида ҳам ўз позициясини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони// “Халқ сўзи”. 2017 йил.

8 февраль

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. - 80 б.

3. Портер М. Конкуренция. –М.: Издательский дом “Вильямс”, 2002.-496-с

4. Йўлдошев З., Халилова Х. Миллий ва жаҳон иқтисодиёти. - Т.: “Чўлпон”, 2013. 30-б

5. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.